

## МОЛИЯВИЙ ХИСОБОТГА ДОИР КЎРСАТМАЛАР

Молиявий хисобот хар бир килинган харажатдан сўнг грантда кўрсатилган муддатда топширилиши лозим. У харажатлар сметасига мувофик маълум даврда килинган харажатлар хакида батафсил маълумотдан иборат бўлиши керак.

- Пулни факат грант шартномасида белгиланган харид/хизматлар учун сарфланг; ундан бошка харажатлар ташкилот томонидан копланиши лозим. Нотўғри фойдаланилган маблағ Демократия Комиссиясига кайтарилмоғи керак.
- Сизга кўзда тутилган смета пунктлари ўртасида 10 % гача тузатиш киритишга рухсат берилади. Демократия Комиссиясининг ёзма рухсатисиз катта харажатлар КИЛИНМАСИН.
- Илтимос, хар бир хужжат учун харажатлар асосида валюта алмаштириш курсини, шунингдек, хисобот давридаги ўртача курсни кўрсатинг.
- Илтимос, 25 \$ дан ортик харажатлар учун тўлов коғозининг нухасини топширишни унатманг. Бу нухалар ўқий оладиган бўлиши керак, шунингдек, хужжатдаги пункт аник-тиник кўрсатилиши хамда ундаги сана хисобот даври ичида бўлмоғи лозим.
- Барча молиявий хужжатлар махаллий идораларнинг энг охириги талабларига мувофик келиши шарт.
- Хисобот Грант Олувчининг ваколатли ходими томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

## АЙРИМ ТАФСИЛОТЛАР

Маош учун куйидаги хужжатларни такдим килинган холда хисобот берилиши лозим:

- ходим билан тузилган шартнома;
- ходимнинг имзози кўйилган маош олганлик хакида хисобот;
- махаллий соликлар (ижтимоий суғурта) тўлангани хакида банк хужжатларининг нухаси;
- илтимос, валюта алмаштириш курсини кўрсатинг.

Гонорар учун иш мазмуни аник кўрсатилган, маърузачи ёки хамкор билан тузилган шартномани такдим этган холда хисобот берилади. Шартнома маърузачи/хамкор томонидан имзоланиши лозим.

Шуни эътиборга олиш керакки, лойиха устида ишлаётган хар бир шахсга ёки маош ёки гонорар тўланиши мумкин, лекин асло иккисини эмас. (Мисол: Изланиш олиб бораётган лойиха координаторига гонорар тўланади ёки конференцияда маъруза ўқигани учун унга нотик пули берилади. Унга сафар учун транспорт/овкат/турар жой харажатлари тўланиши мумкин).

Жихозлар (асбоб-ускуналар) учун хисобот уларни сотиб олингани хакидаги молиявий хужжатларни такдим этган холда амалга оширилади.

Сафарлар - турар жой, транспорт, озик-овкат харажатлари учун катнашувчиларнинг исм-шарифи ва имзоси кўрсатилган расмий хужжатларни, шунингдек, бир кунлик харажат, сафарнинг умумий вақти, вазифаси, жойи ва фаолият хусусидаги хисоботни такдим этган холда хисобот берилади. Сафар фаолияти ва натижаларига оид умумий хисобот дастур хисоботида ҳам кўрсатилиши лозим.

Конференция/симпозиум учун унда катнашганлар ва маърузачилар рўйхатини такдим этган холда хисобот берилади. Нотик пулига оид хисобот гонорар бўлимида тушунтирилади; иштирокчилар харажатига доир хисобот беришда, марҳамат килиб, сафар талабларига риоя қилинг. Тадбирга тайёргарлик харажатлари \$25 дан юқори бўлган холда батафсил тавсиф ҳамда молиявий хужжатлар такдим этишнинг умумий талабларига мувофиқ хисобот берилади.

Конференция натижалари, ахборот воситаларидаги чиқишлар дастур хисоботида кўрсатилмоғи лозим. Тадбирлар давомида олинган бир нечта суратларни хисоботга илова қилиш ҳам мақсадга мувофиқ.

Банк хужжатлари: илтимос, хисоботда кўрсатилган микдорга мос келадиган банк хужжатларининг нусхасини такдим этинг. Уларда ҳар қандай банк операцияси учун банк харажатлари ва ўсиб боровчи фоиз кўрсатилган бўлиши керак. Ошиб боровчи фоизлардан келиб тушган маблағ предоставляют тугагандан сўнг АКШ Элчихонаси Ахборот, маданият ва таълим бўлимига қайтарилиши керак.

Маъмурий харажатлар смета харажатларидаги пунктларга мос равишда тавсифланиши лозим. Грант ижара ҳақини ўз ичига олган ҳолатда ижара шартномасини ҳам такдим этиш зарур.

Агар грант бирор харажатни қисман қопласа, марҳамат килиб, джами тўлов учун хужжатларни такдим этинг ва грант қоплаган қисми молиявий хисоботда кўрсатиб ўтинг. (Мисол: грант бир ойлик ижара ҳақининг 30% ни қоплайди, дейлик. Бу ҳолда ойлик тўлови 100 \$ бўлган ижара шартномасини такдим этинг. Молиявий хисоботда эса 30 \$ ижара ҳақининг 30 % (100 \$) эканини ва у олти ойга 180 \$ бўлишини кўрсатинг).